

**ТИЛ, АДАБИЁТ, ТАРЖИМА, АДАБИЙ
ТАНҚИДЧИЛИК ХАЛҚАРО ИЛМИЙ
ФОРУМИ: ЗАМОНАВИЙ
ЁНДАШУВЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР**
халқаро илмий-амалий анжуман материаллари
ТЎПЛАМИ

2021 йил 26-27 март



Бухоро

Sattorova Sitora, Zaripova Sohiba. THE ANALYSIS OF METAPHORS IN "JANE EYRE" BY CHARLOTTE BRONTE	38888
Ubaydullayeva Feruza. APPRECIATING MOTHER TONGUE IN ALPHONSE DAUDET'S STORY	39090
Bakayeva Muhabbat, Radjabova Madina. ROY KESEYNING "KUTISH NIKOYASINING O'ZBEKCHA TARJIMASIDA ZAMON VA MAKON IFODASI...394	
Каххорова Гулрух. ЮКЛАМАЛАРНИНГ ТАРЖИМА ЛУФАТЛАРИДА БЕРИЛИШИ.....	399
Nodira Rozikovna Kurbonova. ANALYSIS OF SETTING IN "EMMA" BY JANE AUSTEN	403
Qudratova Muborak. SIROJIDDIN SAYYID IJODIDA ARBAIN AN'ANASI	406
Nasima Saidburxonovna Qodirova. ЯНГИ ЎЗБЕК АДАБИЁТИ ИБРОҲИМ ҲАҚҚУЛОВ ТАҲЛИЛИДА.....	409
Очилов Нодирбек. Оскар Уайльднинг "Дориан Грей сурати" ("The Picture of Dorian Gray") асарида эстетик оқим тамойиллари инъикоси	413
Хазраткулиён Дилшоди Фарходзот. SAMARQAND ADABIY MUHITIDA TOJIK YOSH AVLOD SHE'RIYATINING RIVOJLANISHI.....	417
Улуғбек Очилов. Теодор Драйзернинг "Бахтиқаро Керри" асаридаги такрорлар таснифи ва уларнинг матнда бажарган вазифалари	419
Sh.D. Xolova. A.NAVOIY G'AZALLARINING FRANSUZ TILIDAGI TARJIMASIDA FRAZEOLOGIK BIRLIKLAR IFODASI.....	422
Зоирова Малика. ЭКЗИСТЕНЦИАЛЬНАЯ ПРОБЛЕМАТИКА В СОВРЕМЕННОЙ ПРОЗЕ (НА МАТЕРИАЛЕ ПРОИЗВЕДЕНИЙ М.БУТОВА «СВОБОДА» И М.ПАЛЕЙ «ЕВГЕША И АННУШКА»)	425
Тагоева Ферузабону. СПЕЦИФИКА ПОСТМОДЕРНИЗМА В РОМАНЕ ВИКТОРА ПЕЛЕВИНА «ПОКОЛЕНИЕ П» («GENERATION П»)	431
Сафарова Ҳилола Охунжоновна.ГУЛЛАРИНГНИ АЙЛАДИ ЧЎП ҚАРҒА, БОЙҚУШ, ЗОҒ, ТИЛИМ..."	334
Kasimova Rano Rakhmatulloevna, Ziyadullayeva Aziza Akmalovna. PROFESSIONAL SKILLS AND PSYCHOLOGY OF A TRANSLATOR.....	438
Tashpulatova Visola Ismatullaevna. Domestication and foreignization in translation.....	441
Махмудова Робиябону Фуркатовна. ПИСАТЕЛЬ, ПОСПЕВШИЙ БОЛЬ НАРОДА.....	444
Ikramova Aziza Aminovna Davranova Gulbahor Numondjonovna.INGLIZ ADABIYOTIDA YUJIN O'NIL VA UNING DRAMA YOZISH MAHORATI.....	448
Islamova Dinara Azamatovna, Saydazzamova Chamangul Olimjon qizi.Mahmud Koshg'ariyning "Devonu lug'otit turk" asaridagi maqollarning leksik-semantik xususiyatlari.....	451
Sulaymonova Dilnoz Xanmayevna. INGLIZ ROMANTIZM ADABIYOTIGA XOS XUSUSIYATLAR.....	453
Кодыров А.А. Нигматова Л.Х. ТИПЫ ЛЕКСИКО-ГРАММАТИЧЕСКИХ	

9. EŞONKULOV H. ALİ ŞİİR NEVAÎ GAZALLERİNDEKİ SIR TUTMAKLA İLGİLİ DÜŞÜNCELERİN İRFANİ ANLAMLARI HUSUSUNDA //Electronic Turkish Studies. – 2018. – T. 13. – №. 28.
10. EŞONKULOV H. ALİ ŞİİR NEVAÎ'NİN MAHBUBU'L-KULUB ESERİ VE ŞAİRİN AŞIKÂNE GAZELLERİNDE ÂŞK KONUSU //Electronic Turkish Studies. – 2018. – T. 13. – №. 20.
- Murodov G. N. Literaturno-xudojestvennaya obşnost romanov Abdulla Kadiri //Vestnik YUjno-Uralskogo gosudarstvennogo gumanitarno-pedagogicheskogo universiteta. – 2012. – №. 2.
11. Saidburhonovna K. N., Ne'matovna A. S. Style and skill: Critic's artistic ability //International Journal of Innovative Technology and Exploring Engineering. – 2019. – T. 8. – №. 9 S3. – S. 1245-1250.
12. Sharipova L. F. Literary riddles //Theoretical & Applied Science. – 2018. – №. 10. – S. 342-346.
13. Kadirova N. S. CRITICAL STYLE AND GENRE DIVERSITY //Theoretical & Applied Science. – 2020. – №. 4. – S. 428-433.
14. Rajabova R. Z. The Influence Of Folk Riddles On The Creation Of Literary Riddles //The American Journal of Social Science and Education Innovations. – 2020. – T. 2. – №. 07. – S. 278-284.
15. Qodirova N. S. SOME CHARACTERISTIC FEATURES, SKILLS AND STYLE OF THE LITERARY CRITIC //Web of Scholar. – 2018. – T. 5. – №. 2. – S. 32-35.
16. Rajabova M. B. IZ ISTORII VZGLYADOV VELIKIX MYSLITELEY VOSTOKA NA OBRAZOVANIE I VOSPITANIE//Redaktsionnaya kollegiya.– 2014.
17. Saidburhonovna K. N. Literary And Educational Conversation, Dedicated Babur //JournalNX. – S. 102-105.

ОСКАР УАЙЛЬДНИНГ “ДОРИАН ГРЕЙ СУРАТИ” (“THE PICTURE OF DORIAN GRAY”) АСАРИДА ЭСТЕТИК ОҚИМ ТАМОЙИЛЛАРИ ИНЪИКОСИ

**Очилов Нодирбек Сайфуллоевич
БухДУ, ўқитувчи**

Кириш. Оскар Уайльд (1854-1900) Англиянинг (аниқроғи Ирландиянинг) кўзга кўринган адибларидан бири, инглиз эстетизм оқимининг илк намояндаси ва раҳнамоси ҳисобланади. Инглиз ёзувчиси ва адабиётшуноси Ричард Олдингтон Оскар Уайльднинг эстетизм руҳида ёзилган шеърлари ва насрий асарлари ҳамда шу адабий оқимни тарғиб қилиш учун ўқиган маърузалари ҳақида сўз юритаётиб, унинг “Дориан Грей сурати” романини алоҳида эслатиб ўтади. [1, б.12-31] Инглиз драматурги Бернард Шоу Оскар Уайльднинг нотиклик санъатига, гапдонлигига, ҳамсуҳбатини ўзига жалб қилиш маҳоратига жуда юқори баҳо берган эди. Ўзи сўз устаси бўлган Шоу Оскар Уайльдни эслаб: “Менга у билан учрашиш ёқарди. У бор бўлган жойда мен сукут сақлашим мумкин эди, чунки у мендан яхшироқ

гапирарди.” –деган экан. [6, б.16] Ўзи юксак нотиклик маданиятига эга бўлган Бернард Шоунинг бу гаплари Оскар Уайльднинг чиндан ҳам ўзига хос нодир сўз устаси бўлганидан дарак беради.

Асосий қисм. “Дориан Грейнинг сурати” - Оскар Уайльднинг шох асари. Бу романда Оскар Уайльднинг эстетик оқимга мансублиги яққол сезилиб туради. Асарнинг бош қаҳрамони ниҳоятда гўзал йигит. Дориан Грейни биринчи марта кўрган Лорд Ҳенри унинг чиройига маҳлиё бўлиб қолади:

Lord Henry looked at him. Yes, he was certainly wonderfully handsome, with his finely-curved scarlet lips, his frank blue eyes, his crisp gold hair. There was something in his face that made one trust him at once. All the candor of youth was there, as well as all youth's passionate purity. One felt that he had kept himself unspotted from the world. No wonder Basil Hallward worshipped him. He was made to be worshipped. (1, б. 156; Эслатма мақолада аслиятдан келтирилган мисолларнинг ҳаммаси шу манбадан олинган)

Юқоридаги мисолда Лорд Ҳенри Дориан Грейга сиғинса арзийди, деб ўйлайди. Бу ўринда ҳам эстетик тамойил таъсири кўринади: Лорд Ҳенри Дорианни биринчи марта кўраяпти, унинг қандай одамлигини ҳам билмайди, аммо унинг ташқи гўзаллигига қараб юқори баҳо беради.

Асар рассом Бейзил Ҳоллуорд устахонасининг тасвирланишидан бошланади. Бейзил Дорианнинг гўзаллигидан таъсирланиб, ижодининг янги намунаси сифатида унинг гўзаллиги санъатнинг бир чўққиси бўлишига ишониб, унинг суратини чизади.

Дориан Лорд Ҳенрини учратмасдан олдин самимий, покиза ва ўй-фикрлари беғубор йигит бўлади. Бу йигитнинг навқирон қалбини ҳаёт ҳали ҳеч нарса билан булғаб улгурмаган эди. Лорд Ҳенри Дорианни учратганида унинг тиниқ мовий кўзларига, тилларанг жингалак сочларига, нафис лабларига мафтун бўлиб қолади. Улар рассом Бейзилнинг боғида учрашганларида Лорд Ҳенри Дорианга гўзаллик ҳақидаги фалсафий қарашларини билдиради:

No, you don't feel it now. Some day, when you are old and wrinkled and ugly, when thought has seared your forehead with its lines, and passion branded your lips with its hideous fires, you will feel it, you will feel it terribly. Now, wherever you go, you charm the world. Will it always be so?”

Таржимаси:

Йўқ, сиз буни ҳозир сезмайсиз. Йиллар ўтиб, қартайиб, бадбашара бир чолга айланганингизда, дардли ўйлар манглайингизда сон-саноксиз ажинлар ҳосил қилганида, эҳтиросларнинг ҳалокатли ёлқини лабларингизни қовжиратиб қуришиб қўйганида, сиз буни муқаррар тарзда тушуниб билиб оласиз. Ҳозир эса сиз қаерга бормасангиз, оламни мафтун этасиз. Бу ҳар доим ҳам шундай бўлармикан? (5, б.17-18. Эслатма: мақолада келтирилган барча таржималар шу манбадан олинган)

Лорд Ҳенри ўзининг ширали овози билан Дорианга узундан узун мадҳия ўқийди. Унинг фалсафий ғоялари ва мусикий овози Дорианни ўзига боғлаб қўяди ҳамда, шу билан бирга, юрагига ғулғула солади.

Рассом Бейзил суратни кўрсатганда, ундаги бениҳоят гўзал чехрасини кўриб, Дориан мамнун бўлади. У гўё ўзини биринчи марта кўраётгандай, кўзлари қувончдан порлаб кетади. Шунда Лорд Ҳенрининг огоҳлантиришла-рини эслайди. Ёшликнинг омонат эканлиги, тез ўтиб кетишини ўйлайди ва бу Дорианни ҳаяжонга солди. Ҳозир эса у кўзгуда ўз хусни томоша қилар экан, кўкқисдан Лорд Ҳенри айтган истиқбол равшан намоён бўлади. Ҳа, бир кун келиб, унинг чехрасидаги нур ғойиб бўлади, юзи бужмайиб қолади, кўзлари хира тортади, келишган қадди-қомати эгилади, ўзи бадбашара бир кимсага айланади. Шуни ўйлар экан, Дориан кўксига пичоқ санчилгандай ўткир оғриқни ҳис қилади, кўз ўнги қоронғилашади, улар жикқа ёшга тўлади:

Шундан кейин Дорианнинг миясига бир даҳшатли фикр келади: у гўзаллиги ва ёшлигини сақлаб қолиш учун руҳини ҳам беришга тайёр эканлигини ўйлайди:

How sad it is! I shall grow old, and horrible, and dreadful. But this picture will remain always young. It will never be older than this particular day of June. If it were only the other way! If it were I who was to be always young, and the picture that was to grow old! For that – for that – I would give everything! Yes, there is nothing in the world I would not give! I would give my soul for that!

Таржимаси:

Нақадар қайғули! Мен қарийман. Жирканч бир бадбашара кимсага айланаман, сувратим эса манзуга навқирон бўлиб қолаверади. У ҳеч қачон бугунги июнь кунидан кўра қарироқ бўлиб қолмайди. Оҳ, кошки бунинг акси бўлса! Ана шу сурат қарисаю мен мангу ёшлигимча қолаверсам. Бунинг учун мен оламдаги бор нарсани беришга тайёрман. Ҳа, ҳеч нарсамни аямас эдим. Бунинг учун ҳатто жонимни ҳам бераман.

Бу айтилган сўзлар Лорд Ҳенрининг таъсири бўлиб, энди Дориан худбин ва юраксиз шахсга айланиб боради.

Бир неча ой ўтгандан кейин Дориан Грей Сибилла Вейн исмли актрисани севиб қолади, аммо Сибила сахнада муваффақиятсизликка эришгандан кейин ундан кўнгли қолиб, уни тарк этади. Сибилла ундан ташлаб кетмасликни, бутун ҳаёти у билан боғлиқ бўлиб қолганини, усиз яшай олмаслигини айтиб, у билан бирга қолишини ўтиниб сўрайди. Аммо Дориан бу ёлворишларга парво қилмай қизни ташлаб кетади. Сибилла ўз жонига қасд қилиб, оламдан ўтади. Ўша куни Дориан ўз расмига қараса, унда ўзгариш содир бўлганини, ва ўзининг истаги ижобат бўлганини, яъни у ёш қолиб, сурати ўзгаришини тушунади.

Шундан кейин унинг ҳар бир қилган ёмонлиги, гуноҳи суратда жирканч ажинлар билан акс эта бошлайди. Йиллар ўтган сайин суратдаги гўзал чехра хунук, бадбашара чолга айланиб боради, Дориан эса ёш, навқирон йигитлигича қолади ва суратни яшириб қўяди.

Асар охирида Дориан катта хатога йўл қўйганини англаб етади, хатолари ва ҳаётини ўзгартириш учун суратдан қутилмоқчи бўлади. У суратни йўқотиш учун суратдаги бадбашара чол кўксига пичоқ санчади.

He looked round, and saw the knife that had stabbed Basil Hallward. He had cleaned it many times, till there was no stain left upon it. It was bright, and glistened. As

it had killed the painter, so it would kill the painter's work, and all that that meant. It would kill the past, and when that was dead he would be free. He seized it, and stabbed the canvas with it, ripping the thing right up from top to bottom

Хизматкорлар даҳшатли қичқирикни эшитиб, хонага киришса, деворда ёш ва навқирон хўжайинларининг суратини, ерда эса юрагига пичоқ санчилган бадбашара ўлик чол ётганини кўришади:

Бу эпизодда ҳам Оскар Уайльднинг эстетик тамойилларини ҳис этамиз. У бу билан гўзалликнинг яна санъат асарига қайтганини, яъни гўзалликнинг йўқолмаслигини кўрсатади.

Айниқса, асарнинг ёзилиш услуби ҳамда маъно жиҳатидан бойлиги китобхонни фикрлашга ундайди. “Дориан Грей сурати” асарида, Дориан яшаган даврнинг унга бўлган таъсири, у яшаган даврда ахлоқ ва нафосатга катта эътибор берилгани, уларнинг бир-бирига боғлиқлиги ва ажралмаслиги ифодаланган. Ўша давр кишилари ташқи гузалликка шунчалик эътибор беришганки, ҳатто ички гўзаллик аҳамиятсиз бўлиб қолган. Шу боисдан Дориан эртақлардагидек яшашни ёқтиради. Ўзининг гўзал расмини кўриб, ҳеч қачон ўзгармаслик учун руҳини иблисга сотади.

Дориан Сибил Вейннинг қотилига айланади, чунки у қизнинг ўзини эмас, унинг ижро этган гўзал ролларини севиб қолган эди. Қизнинг ўз ролини ўринлатиб ижро этолмаганини кўриб, ундан воз кечади.

Хулоса. Бу омиллар кейинчалик Дорианнинг ёвуз кишига айланишига, унинг фожиасига сабаб бўлади. Демак, Дорианнинг фожиаси унинг соддалигида, турли кишилар таъсирига берилишида. Асарнинг шу хислатини назарда тутсак, ундаги мавзу бугунги кун учун ҳам долзарб бўлиб қолади. Чунки ҳозирда ҳам ёш, тажрибасиз йигит, қизлар турли кишилар таъсирига берилиб, турли оқимларга қўшилиб кетган ҳоллари учрайди. Ушбу роман эса ёшларни иродали, ақлли бўлишга, ҳар бир ишни оқибатини ўйлаб қилишга ундайди.

Адабиётлар:

1. Aldington Richard. Introduction to the book “Oscar Wilde. The Epitome of a Brilliant and Tortured Wit – New York: The Viking Press, 1976. Pp.1-46.
2. Богословский В.Н., Гражданская З.Т. Зарубежная литература XX века. – Москва: Просвещение, 1979.
3. Wilde Oscar. The Picture of Dorian Grey. In the book “Oscar Wilde. The Epitome of a Brilliant and Tortured Wit – New York: The Viking Press, 1976. – Pp.138-391
4. Wilde Oscar. The Picture of Dorian Grey. <http://www.planetpdf.com/>.
5. Уайльд Оскар. Дориан Грейнинг портрети. О.Шарофиддинов таржимаси. //Жаҳон адабиёти журнаלי, 2000 й., №1.
6. Урнов Д. Подъем и падение таланта. – В кн. Оскар Уайльд. Редьярд Киплинг. – Москва: Художественная литература, 1976. – С. 16.